



## БОБУРИЙЛАР САЛТАНАТИНИНГ АҲАМИЯТИ ҲИНД ТАРИХИЙ МАНБАЛАРИДА

А.Азизиқулов <sup>1</sup>

<sup>1</sup> СамИСИ доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5812873>

### МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 10-Dekabr 2021  
Ma'qullandi: 15-Dekabr 2021  
Chop etildi: 20-Dekabr 2021

### KALIT SO'ZLAR

Бобур, Ҳиндистон,  
давлат арбоби,  
саркарда, олим, шоир,  
маънавий мерос.

### ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада Бобур ва унинг ворислари хусусида Ҳиндистонлик тарихчи олим Л.П.Шарманинг тадқиқоти фалсафий таҳлил этилади. Шунингдек мақолада Бобур фаолиятига оид тарихчи олимларнинг мулоҳазалари ҳам ёритиб берилган.

### 1. КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ

Марказий Осиё халқлари тарихида Темурийлар ҳукмронлиги даври маданий ва маънавий юксалиш босқичи ҳисобланади. Илм-фан ва маданият равнақи учун барча шарт-шароитлар яратилган бу даврда табиий илмий ва ижтимоий фалсафий билимлар соҳасида кўплаб мутафаккир олимлар етишиб чиқдилар ва ўзларининг сермахсул ижодлари билан ўлка халқлари маънавий тараққиётида муҳим ҳисса қўшдилар. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Халқимизнинг орзу-интилишлари Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи, Давлатшоҳ Самарқандий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад

Бобур каби Иккинчи уйғониш даврининг буюк сиймоларини уйғотди, уларнинг асарлари ва фаолиятида ўз талқинини топган одил подшо, адолатли жамият комил инсон ғояларида намоён бўлди” [1, 18].

Иккинчи уйғониш даврининг ҳосиласи бўлмиш Бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги Марказий ва Жанубий Осиё цивилизациясида алоҳида ўрин тутди. Афғонистон, Ҳиндистон ва Покистон тарихининг муҳим қисми сифатида эътироф этиладиган бу сулола тарихи тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилган соҳага айланган. Ҳатто Буюк Британия тарихи фанида бобуршунослик алоҳида тадқиқот объектига сифатида шаклланди [2, 3].



## 2. МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛИШ ДАРАЖАСИ

Ҳинд тарихчилари томонидан бобурийлар сулоласининг ҳуқумдорлари фаолияти пухта ўрганилган. Бобурийлар салтанати тарихига оид кўплаб асарлар яратилган бўлиб, ҳинд тарихчиси Л.П.Шарманинг “Бобурийлар салтанати “ асари ҳам шулар жумласидандир.

Асар бобурийлар сулоласи вакиллари тарихини ёритишга қаратилган бўлиб, унда Бобур Мирзо, Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон ва Аврангзебларнинг ҳуқумдорлик давридаги барча ижтимоий сиёсий жараёнларни ҳамда маданий тараққиётнинг хусусиятларини баён этишга ҳаракат қилган. Шунингдек, Л.П.Шарма воқеа ва ҳодисаларни ҳамда ҳуқумдорлар фаолиятини изоҳлашга ўзининг фикрлари билан бирга тез-тез инглиз тарихчиларини хулосаларини ҳам келтириб ўтади.

## 3. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Л.П.Шарма ўз асарида дастлаб Бобурнинг фазилатларини баён этар экан, унинг барча хислатларини очиб беришга ҳаракат қилади. Инглиз тарихчиси С. Лейн Поул Бобурни “Шарқ тарихидаги энг мафтункор шахс эди” деган мулоҳазасини келтириб ўтгандан сўнг, Бобурнинг жисмоний фазилатларини қуйидагича баён этади: “Бобурнинг инсон сифатидаги хислатлари ҳақиқатдан ҳам мақтовга сазавордир. У жисмонан жуда бақувват киши бўлиб, қалъа девори устида икки кишини қўлтиқлаб олиб, тўсиқлардан бемалол ўта олар эди. Ҳиндистонда дуч келган ҳар қандай дарёдан қийналмай

сузиб ўтар, 80 милгача масофани дам олмай бир кунда босиб ўтар эди” [3, 25 ]. Муаллиф Бобурнинг жисмонан бақувватлиги унинг моҳир саркарда бўлиб етишига асосий омил бўлиб хизмат қилган, деган фикрни баён этар экан шундай дейди: “Бобур жасур навкар ва тажрибали саркарда эди. У болалигиданоқ жангларда қатнашганидан ўлимга кўрқмасдан қарарди. Бобурнинг саркардалик тажрибаси Марказий Осиёнинг турли тоифа ва гуруҳдаги халқлари билан бўлган жангларда чиниқиб тобланди. У Темур ёки Чингизхон сингари туғма саркарда эмас эди, балки ҳаётининг дастлабки давридаги жангларда бир неча бор мағлубиятга учраб, аста-секин тадбиркор лашкарбошига айланди. У ҳеч қачон матонатини йўқотмади ва курашда йиқилган пайтларида ўзини ўнглаш учун доимо ирода кучини ишга сола билди, жангларда тажриба тўплади....Мана шундай тадбиркор лашкарбошилиги учун ҳам у Ҳиндистондаги жангларнинг барчасида ғолиб чиқди” [3, 25 ]. Муаллиф шу ерда тарихчи С.Р.Шармани қуйидаги фикрларини келтириб ўтади: “У ажойиб чавандоз, моҳир мерган, чаққон қиличбоз ва толмас овчи эди”.

Бобурнинг жисмоний салоҳияти ва саркардалик қобилиятини ёритгандан сўнг унинг шахсий ахлоқий фазилатларини ҳам изоҳлаб ўтар экан шундай дейди: “Бобур садоқатли ўғил, меҳрибон ота, содиқ дўст, вафодор эр ва ғамхўр қариндош эди. .... Бобур қариндош-уруғларидан меҳр-муруватини аямас, дўстларининг ташвишларига ҳамдардлик қилар ва қувончларига шерик бўлар, хотинлари



бир нечта бўлишига қарамай, уларнинг барчасини баравар иззат қиларди, ўғилларининг ҳам ҳаммасига бирдек меҳр билан қарарди. .... У сахий, олижаноб, мард, мафтункор, севимли ва жуда маданиятли киши эди” [3, 22 ]. Бобурнинг мазкур фазилатларининг унинг қизи Гулбаданбегим ҳам ўзининг “Хумоюннома” асарида келтириб ўтади [4, 51 ].

Ҳинд тарихчиси Бобурнинг диний бағрикенглик фазилатини юқори баҳолар экан, яна ҳинд тарихчиси С.Р.Шарманинг қуйидаги фикрларини келтиради: “Бобурнинг биронта ҳинд ибодатхонасини бузгани ёки ҳиндларнинг уларнинг диний эътиқодига кўра таъқиб қилганининг бирор бир асорати кўринмайди” [3, 23 ]. Ҳамкасбининг бу фикрларини шарҳлар экан, шундай дейди: “Бобурнинг мусулмон ва ҳиндларга баравар муносабатда бўлгани тўғрисида бир неча мисол бор. 1529 йилда Гогра дарёси қирғоғидаги жангдан олдин у ҳинд ва мусулмон беклари билан тенг маслаҳатлашган эди....Шунинг учун ҳам кўпчилик тарихчиларнинг фикрига кўра Бобур диндор шахс бўлган бўлса ҳам, лекин у кўр-кўрона хурофотчи бўлган эмас ва Ҳиндистондаги фаолияти давомида диний жаҳолатпарастликка йўл қўймади” [3, 23 ]. Л.П.Шарма Бобурнинг бағрикенглик маданиятини изоҳлашда яна бар ҳинд тарихчиси Р.П.Трипатининг фикрини келтириб ўтади: “...бобурийлар империясининг тантанаси унинг ҳарбий қудрати туфайлигина эмас, балки ўз сиёсатида диний эътиқод эркинлигини амалга оширгани ва маданий ҳаётга катта ҳисса

қўшганлиги туфайлидир”. Бу сиёсатни эса Бобур бошлаб берган эди? - дейди? Л.П. Шарма тарихчиларнинг мулоҳазаларни шарҳлар экан, Бобур маърифатчи шоҳ бўлган эди,-дейди [3, 23 ].

Ҳозирги тарихчиларнинг барчаси, - дейди Л.П.Шарма, Бобурнинг тарихда жуда катта ҳурматга сазавор ўринни эгаллашини алоҳида таъкидлайдилар деб, уларнинг айримларининг фикрларини келтириб ўтади. Масалан, инглиз тарихчиси В.А.Смитнинг ёзишича, “Бобур ўша даврдаги осиёлик шаҳзодаларнинг энг зўри бўлиб, унинг тарихдаги ўрни ўтмишдаги шаҳзодалар орасида улкан таҳсинга сазавордир”. Оврупалик тарихнавис Гавел эса Бобурни “Ислон дунёси тарихидаги энг жозибадор шахслардан эди” деб таърифлайди. Инглиз шарқшуноси У. Эрскиннинг таърифлашича , «Осиёлик шаҳзодалар орасида Бобур билан баробар мавқени эгаллай оладиган шаҳзода бўлган эмас”. Бобурнинг шахси ва унинг феъл атвори шубҳасиз, ана шундай юксак баҳоларга сазавордир” [3, 29 ]. Буюк саркарда ва давлат арбоби Бобурга нисбатан айтилган бу фикрларга муносабат билдирар экан, Л.П.Шарма шундай дейди: “... у Ҳиндистонга темурийларга хос давлат бошқарувини олиб кирди ва унга мустаҳкам асос солди.... Бобур янги империяни қай тарзда ўрнатиш кераклигини кўрсатибгина қолмай, балки бу империяни бошқариш сийёсатини ҳам ўргатиб қўйган эди. У Ҳиндистонда ўрнатган сулола ва унинг анъналарини ҳеч қайси маалакатда топиб бўлмайди” [3, 29 ]. Ҳинд тарихчиси Л.П.Шарма Бобурнинг



Ҳиндистонда миллий давлатчилик тизимини яратишдаги хизматларини баҳолар экан, бир вақтлар афғонларга тобе бўлган Ҳиндистон, бобурийлар сулоласи даврида Афғонистонни Деҳли султонлигига қарам бўлганлигини фахр билан ифода этади.

Ҳинд тарихчиси бобурийларнинг Ҳиндистонда илм-фан ва маданиятни, шунингдек санъатнинг барча турларини ривожлантиришдаги ҳиссаларини алоҳида таъкидлайдилар.

Аввало Ҳиндистонда илм-фан ривожига бобурийлар хизматини Шарма қуйидагича баён этади: “Бобурийлар ҳукмронлиги даврида режали ва бир хил тизимдагитаълим ўчоқлари тузилган бўлиб, ёшларни ўқитиш ишлари, асосан, якка тартибда ёки мадрасаларда олиб бориларди. Мударрислар ва мадрасаларга шаҳар садрининг тавсиясига кўра давлат томонидан моддий ёрдам ва мукофотлар бериларди. Мусулмон болалари мактаб ва мадрасаларда, ҳинд болалари эса “патшала” (мактаб) ва “видяпист” (коллеж)ларда ўқир эди. Шоҳлар (Бобурийлар –А. А) ўзлари яхши саводли бўлганликлари учун маориф ва маданиятни ривожлантиришга катта эътибор берар эдилар. Уларнинг ҳаммаси олиму уламолар, фозилу киромларни авайлаб, уларга кўп ғамхўрлик кўрсатардилар. Шунинг учун ҳам салтанатда олимларга муҳтожлик сезилмаган. Ва илмий асарлар ҳам ўша даврда кўплаб яратилган. Қолаверса, илмий, бадий асарлар бир неча тилларда яратиларди” [3, 151]. Ҳиндистондаги мусулмон аҳолиси учун маориф соҳасида қандай шароит яратилган бўлса, ҳинд болалари учун

ҳам таълим тизимида шундай шароит ва ғамхўрлик кўрсатилганлигини ҳиндларнинг ўзлари таъкидламоқдалар.

Бобурнинг маърифатпарварлигини қуйидагича изоҳлайди: ““Бобурий шоҳларнинг биринчиси бўлмиш Бобурнинг ўзи йирик олим эди. У Деҳлида мадраса қурдириб, бу лим даргоҳида география, математика ва астррономия ҳамда диний фанлар ўқитилишини таъминлади” [3, 151]. Бобурга, қолаверса барча темуриларга хос бўлган маърифатпарварлик ва бунёдкорлик, илм-фан равнақиға ҳомийлик бобурийларнинг ҳам асосий фазилати эканлигини қуйидагича баён этади: “Унинг ўғли Хумоюн ҳам Деҳлида мадраса тиклади. Бу пайтларда диний илмлар, ислом назарияси ўқитилишига кўпроқ эътибор бериларди”. [3, 151]. Ҳиндистон маориф тизимини юксалишида Акбарнинг хизматларини алоҳида таъкидлар экан, шундай дейди: “Акбаршоҳ даврига келиб фақат диний фанларгина эмас, балки дунёвий фанлар ҳам ўқитилиши зарурлиги сезилиб қолди. Шунинг учун у мусулмон ва ҳинд мактаб мадрасаларида барча дунёвий фанларни, жумладан математика, география, тарих, сиёсатшунослик, астрономия каби фанларни ўқитишни йўлга қўяди. Маориф тизимини такомиллаштиришга ҳам кўп эътибор берилди”[3, 151].

#### 4.ХУЛОСАЛАР

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак аввало, ҳинд тарихчиларининг ўзлари таъкидлаганидек бобурийлардек сулола Ҳиндистон тарихида бўлган эмас. Бу сулола вакиллари Ҳиндистонда тарқоқ майда князлик ва давлатчаларни



бирлаштириб, марказлашган империя барпо этдилар

Иккинчидан, мазкур сулола асосчиси маърафатли шоҳ Бобур зурриётлари ҳам маърифатли бўлиб, Ҳиндистонда илм-фан ва маданият тараққиётга катта ҳисса қўшдилар.

Учинчидан ватандошимиз Бобур ва бобурийларни Ҳиндистон тарихида бундай юксак эътироф этилиши, ҳар биримизга юксак ифтихор туйғусини уйғотади.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси Тошкент, "O'zbekiston" нашриёти, 2021 йил. -464 бет
2. Сотимов Ғ. Шоҳ ва шоир салтанати//Л.П.Шарма Бобурийлар салтанати, Т.: «Маънавият»-1998. 3-5 бетлар бет
3. Шарма Л.П.Бобурийлар салтанати; ингл. Тилидан тарж. –Т.: «Маънавият», - 1998й. -168 бет.
4. Гулбаданбегим Хумоюннома Т. 1959й. -51 бет